

Фикҳ 178-дарс. Намозни қоим қилиш қоидалари



18:30 / 24.03.2022 4237

أَرْقَى مَلَسَوْهُ لَعْلَعُ الْجَلِّ لَصَّيْبٍ نَلَاكَ لَأَقُوهُ نَعْلُ لَلِضَّرَّةِ دَاتَقِ يَبَّأَنْعَ
يَفُ لَّوْطِي نَيْتِ رُوسَ وَبَاتِ كَلَّ لِحَاتِ فَبَرْ طَلَّ عَالِصٌ نَمْنِي لَوَالٍ نَيْتِ عَكَّرَلَا يَف
نَاكَ وَكَ لَدَلْتِ مَرْصَعُ لَافِ وَ، أَنْ أَيْحَ أَيْ لَ أَلْ عَمْسُ يَوَّيْ نَاثِلَا يَفُ رُّصُقِي وَ لَوَالٍ
أَلْ إِسْمَحُ لَأَهْ أَوْرَ، عَيْ نَاثِلَا يَفُ رُّصُقِي وَ حُبُّ لَ عَالِصٌ نَمْنِي لَوَالٍ عَكَّرَلَا يَفُ لَّوْطِي
سَيَذْمُرَّتَلَا

Абу Қатода розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам пешин намозининг биринчи икки ракъатида «Фотиҳатул Китоб» ва икки сурани ўқир эдилар: биринчи ракъатни узун қилиб, иккинчисини қисқа қилар эдилар. Гоҳида оятни эшиттириб қўярдилар. Аср намозида ҳам шундай қилар эдилар. Бомдод намозининг биринчи ракъатини узун, иккинчисини қисқа ўқир эдилар».

Бешовларидан фақат Термизий ривоят қилмаган.

عُوهُ لَعْلَعُ الْجَلِّ لَصَّيْبٍ نَلَاكَ لَأَقُوهُ نَعْلُ لَلِضَّرَّةِ دَاتَقِ يَبَّأَنْعَ نَبَا وَرَ
يَفُ وَ عَرُوسَ وَبَاتِ كَلَّ لِحَاتِ فَبَرْ طَلَّ عَالِصٌ نَمْنِي لَوَالٍ نَيْتِ عَكَّرَلَا يَفُ أَرْقَى نَاكَ مَلَسَوْ
بَاتِ كَلَّ لِحَاتِ فَبَرْ طَلَّ عَالِصٌ نَمْنِي لَوَالٍ عَكَّرَلَا

Ибн Абу Шайба «Мусаннаф»ида Абу Қатода розияллоҳу анҳудан шундай ривоят қилади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам биринчи икки ракъатда «Фотиҳатул Китоб» ва бир сура қироат қилар эдилар. Кейинги иккисида «Фотиҳатул Китоб»ни».

10. Арконларни тўғри қилиш.

Бу иборадан намознинг рукуъ, сажда, қаъда каби барча амалларини сокинлик, хотиржамлик билан, қойиллатиб амалга ошириш кўзда тутилади. Бу эса ҳар бир ҳаракатдан кейин бутун жисмнинг сокинлик топиши ила бўлади. Мисол учун, рукуъда, саждада ва улардан тургандан кейин энг ози бир марта тасбеҳ айтиладиган вақт миқдорича аъзолар тин олиши лозим.

Бу ҳукм қуйидаги далиллардан олинган:

لَحْدَمَ لَسَوِ وَهِيَ لَعْلُ الْجَلَّ وَصَّ لَّ لَّ لُؤْسَرَ نَ اُؤْنَعُ لَّ لَّ لَ يَضَّرَ رَوَّيَّرَهُ بَ أْنَ ع
دَّرَفَ مَ لَسَوِ وَهِيَ لَعْلُ الْجَلَّ وَصَّ لَّ لَّ لُؤْسَرَ نَ اُؤْنَعُ لَّ لَّ لَ يَضَّرَ رَوَّيَّرَهُ بَ أْنَ ع
لَعْلَعُ مَ لَسَوِ فَعَجَّ مَثْ لَ لَصِّ مَ كِ لَّ لَّ صِّيَّ عَجَّرَفَ ، «لَّ لَّ صُّ تَ مَ لَّ كِ نَ إِفِّ لَّ لَّ صِّ فِ عَجِّ رَا» : لَاقَوْ
، أَلَّ تَ ، «لَّ لَّ صُّ تَ مَ لَّ كِ نَ إِفِّ لَّ لَّ صِّ فِ عَجِّ رَا» : لَاقَوْ ، «لَّ لَّ سَوِ وَهِيَ لَعْلُ الْجَلَّ وَصَّ لَّ لَّ لُؤْسَرَ نَ اُؤْنَعُ لَّ لَّ لَ يَضَّرَ رَوَّيَّرَهُ بَ أْنَ ع
ةَ لَّ لَّ لَّ لَ لَّ تَ مَّقْ إِذْ» : لَاقَوْ ، يَ نَ مَ لَّ عَفُ ، هَرِّيَّ غُ نَ سَ حُ أَمَّ قَّ حَ لَّ لَّ بَ كَ تَ عَ بَ يَ دَّ لَ اَوْ : لَاقَوْ
عَفَّ رَا مَثْ ، أَعَكَ ارَّ نَ ئَ مَ طَ تَ يَّ حَ عَ كُ رَا مَثْ ، نَ اُؤْ رُقُ لَ أَ نَ مَ كَ عَ مَ رَّ سَ يَّ تَ أَمَّ اُؤْ رُقَا مَثْ ، رَبَّ كَفَ
، أَسْ لَ لَّ اُجَّ نَ ئَ مَ طَ تَ يَّ حَ عَفَّ رَا مَثْ ، أَدَّ جَ أَسَّ نَ ئَ مَ طَ تَ يَّ حَ دُجَّ سَا مَثْ ، أَمَّ ئَاقَ لَ دَعَتَ يَّ حَ
دَقَفَ آدَهَ تَلَّ عَفَّ إِذْ إِفَّ» : دُوَادُ وُؤَبَا دَارَ . هَسَمَّ خُ لَ اُؤَ رَ . «أَوَّلُ كَ كَتَّ أَلَّ صِّ يَ فِ كَ لَ دَ لَ عَفَّ اَوْ
«كَتَّ أَلَّ صِّ نَ مَ هَ تَّ صَّقَتْنَا أَمَّنَّ إِفَّ أَيْ يَشَّ آدَهَ نَ مَ تَّ صَّقَتْنَا أَمَوْ ، كَتَّ أَلَّ صِّ تَّ مَ تَ

Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам масжидга кирдилар. Ортларидан бир киши кириб, намоз ўқиди. Сўнгра Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга салом берди. У зот алик олдилар ва:

«Қайтиб бориб, (бошқатдан) намоз ўқи, чунки намоз ўқимадинг», дедилар. У қайтиб бориб, олдингидек намоз ўқиди. Сўнг келиб, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга салом берди.

«Қайтиб бориб, (бошқатдан) намоз ўқи, чунки намоз ўқимадинг», дедилар. Бу уч марта қайтарилди. Шунда у:

«Сизни ҳақ ила юборган Зотга қасамки, бундан яхшироқ ўқий олмайман, менга ўргатинг», деди. У зот:

«Намозга турганингда такбир айт, сўнг Қуръондан билганларингни ўқи. Кейин рукуъ қил ва рукуъдаги ҳолингда (бироз) тин ол. Кейин (бошингни)

кўтар ва қаддингни ростлаб, тиклан. Кейин сажда қил ва саждадаги ҳолингда ҳам (бироз) тин ол. Кейин (бошингни) кўтар ва ўтирган ҳолингда (бироз) тин ол. Намозингнинг ҳаммасида ҳам шундай қил», дедилар».

Бешовлари ривоят қилишган.

Абу Довуд: «Қачон шуни қилсанг, намозинг тўлиқ бўлади. Бундан бирор нарсани кам қилсанг, намозингдан кам қилган бўласан», деган зиёдани келтирган.

«Кифоя» китобининг биринчи жузи асосида тайёрланди